

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 138 (6. 627)

1988 йил 17 июнь, жума

Баҳоси 3 тийи

КПСС Марказий Комитетининг Тезислари—умумхалқ муҳокамасида

## Демократия сабоғи

КОРХОНАМИЗДА турли миллат вакиллари ишлашади. Улар орасида рус, украин, татар, тожик, қozoқ ва ўзбек миллатига мансуб кишиларни учратиб муимки. Ҳаммамининг мақсад ва маслаҳатимиз бир — халқ бахти ва фаровонлиги йўлида меҳнат қилиш.

Узоқ-яқинлар кўча-кўйда учрашиб қолсак, дарҳол соғингимиз, иш ва оиламизни сураб суриштирамиз. Халқимизнинг бундай қадимий одатларидан бўлган бу яхши истакнинг тағди ҳам «меҳнат» сўзи ётади. Чунки, соғингимиз яхши бўлса—унимли меҳнат қиламиз. Оиламиз фаровонлиги ҳам меҳнатдан, Зеро, ана шу меҳнатнинг ўзи кишини элга танитади, уни улуглаб, обрў-эътиборини оширади. Бу узоқ йиллик тажрибадан маълум.

Корхонага ишга келганимда ҳали жуда ёш эдим. Шогирд бўлдим. Мустақил ишладим. Хуллас, барча ишчи-ёшлар босиб ўтаётган йўлни ўтадим. Ҳаётимда қувончли кунлар кўп бўлди. Оилани бўлдим. Область мукофотини олиш бахтига эришдим. III даражали Меҳнат Шўхрати орденининг кавалери бўлдим. 35 йиллик иш фаолиятимда ҳалол меҳнат қилган киши ҳеч қачон кам бўлмастлигини юракдан ҳис этдим.

Яна бир нарса билан фахрланаман. У ҳам бўлса Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини ўн иккинчи беш йилликнинг турт йиллик план-тошпириқларини бажариш билан қўтиб олаётганлигидир. Бу тарихий анжуманга муносиб тайёргарлик кўрдик. Ил бошидан ҳар биримиз ўз зимманига ошқиртилган мажбуриятлар қабул қилдик. Бугун ишларимизни сарҳисоб қиламиз. Мен меҳнат қилаётган 13-дехнинг барча 61 аъзоси йиллик планларини ортиғи билан уқулашди. Улар орасида коммунистлар М. Эргашев, Б. Зояров, О. Тошмухамедовлар бор.

КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Тезислари билан қўғур ва атрофдаги танишиб чиқдик. Унда меҳнаткам халқ дилидаги айни мудоалар тўла акс этган. Ҳужжатда коммунистларнинг авангардлик роли, Советлар ишидан камчиликлар ва уларнинг фаолияти, жамиятни изчил демократиялаш, қонунларни тақомиллаштириш, касба союзулари, комсомол, кооперация, бошқа жамоат ташкилотлари, илмий уюшмалар ва ижодий союзуларнинг қайта қурилиши вазибалари изчил баён этиб берилган.

Айниқса, Тезисларда «Бирор шахс сайлаб қўйилмаган давлат лавозимини сурункасига икки муддатдан, яъни ўн йил-

дан кўпроқ вақт давомида эгалдай олмайди», деган қонданинг жорий этилиши ибратлидир. Халқ томонидан демократия йўли билан бирор лавозимга сайланган киши ҳеч қачон ўзини «мутлоқ абадий» ҳис қилмаслиги керак. Турғунлик йилларининг асосий фожияси ҳам ана шунда, «Мутлоқ абадий»лик тушунчасига берилган бутунги кўпчилик собиқлар ҳоқлаган ишларини қилишди. Меҳнаткам халқ билан ҳисоблашмай қўйишди, ўз манфаатларини давлатнингдан устун қўйишди. Тарозининг адолати палласи халқ томонидан эканлигини, «қилмиш-қидирмиш» деган доно нақлани тан олтиларни келмади. Оқибат... Ҳақ жойида қарор топди.

Тезисларда баён этилган ҳар қандай ишончли вакилни беш йилга сайлаш қондаси эса раҳбарни энг аввало ўша «мутлоқ абадий»ликка берилишдан сақлайди. Уни ўз ишига, тошпирилган юксак наизага масъулият билан қарашга ундайди. Агар у олма ишончнинг қозонса, ўз бурчини ҳалол ўтаса, эл олдишига сазовор бўлса, халқ унинг иккинчи марта ана ўша лавозимга сайлайди. Борди-ю, акси бўлса, тилис ўзидан, Адолатли ёлқ. Раҳбарга ҳолисона баҳо. Бундан ўзгача бўлиши мумкин эмас.

Яна бир танин очик эътироф этиш керак. Бизда нима кўп, йилгишлар кўп. Бўлар-бўлмас, коллектив учун заррача нафи йўқ йилгишлар ҳар биримизнинг қиммати вақтимизни беҳуда сарфлайди.

Бир инсол, бизнинг кенг истеъмол буюмлари деҳида 11 хил маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бир кунда ўрта ҳисобда 6 минг сўмлик маҳсулот тошпирамиз. Бу—соатига салкам 1 минг сўмлик маҳсулот деган сўз. Демак, йилгиш бир соатга чўзилса, цех минг сўм, икки соат давом этса икки минг сўм йўқотади. Ҳўш, бу рақамни корхона ёки мамлакат бўйича олсакчи, жуда катта миқдорни ташкил этади. Қолаверса, ҳозирги ишчининг онги ва тушунчаси кенг. У ҳар кун газета материаллари билан танишади, телевизор кўради, радио тинглайди. Демак, дунё воқеаларидан хабардор. Мен шу ўринда бир таклиф айтмоқчиман. Йилгишлар, мажлислар кам бўлсин, амалий иш кўп бўлсин.

Хуллас, КПСС Марказий Комитетининг Тезисларида баён қилинган «Демократия централизм принципи ҳақидаги ленинча тушунчани тўла қайта тиклаш зарур».

Ана шундагина чинакам сўз ва иш бирлиги амалга ошган бўлади.

Х. НОСИРОВ,  
Тошкент асбобсозлик бирлашмаси ишчиси, меҳнат ветерани, 1961 йилдан КПСС аъзоси.

«...Алло,  
шундай  
таклифим  
бор»

Кооперативлар ташкил этилгани жуда яхши бўлди. Агар бу иш олға босса, яхши изга тушиб кетса, айни мудоао бўларди.

Айниқса биз каби Улуғ Ватан уруши инвалидлари учун ҳам меҳнатнинг янги тури—якка тартибдаги меҳнат фаолияти қўл келмоқда. Менинг уймидан мол боқишга шарт-шароитим етарли. Бунга рухсат беришди. Бундан жуда хурсандман.

Аммо масаланинг иккинчи томони мени (Йўлдамки, бошқа мен каби инвалидларни ҳам) бироз қийнаб турибди. Молга озқани қаредан олишга ҳайрондас. Ҳўш, партия ва ҳукуматимиз биз инвалидларга шундай яхши ғамхўрлик кўрсатиб турсамоқда жойлар бунга амалга оширишга етарли баш шарт-шароит беришмасе, бунга нима дейиш керак!

В. ТУЯЧЕВ,  
Улуғ Ватан урушининг II группа инвалиди.



## БАХТЛИ ХОНАДОН

Меҳнат — умр зийнати, уни улуглаганлар элда асло кам бўлмади, обрў-эътибор орттириб, бахту саодат топади, қамолотга етади. Зеро, тирикчилининг асл маънос ҳам шунда, инсон боласи тетапо бўлган кундан бошлаб йилмадир интилиб, талпиниб яшайди, қалбидаги меҳр дурдоналарини одамларга бахшида этишни буюк мақсадга айлантиради. Эл эъзосига мушарраф бўлган ана шундай заҳматкам, фидойи кишиларнинг бири Гулсара Оқиловадир. «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг мотористкаси бўлиб ишлаётганига 18 йил бўлибди.

Унинг ишидан кўпчилик мамнун, у тошпириқни ҳар кун 140—150 процентдан адо этади. Кун сайин яхши натижаларга эришишга интилади.

Энг муҳими қайта куриш даврида унда ва бошқа чеварларда ўз ишига янча муносабат пайдо бўлди. «Янгилик» индекси билан маҳсулот тайёрлашга киришгани шундан далолат бериб турибди.

«Иш устасидан кўрқад», дейишади. Ўз ишини пухта билган, энг муҳими ўз ишига қўнғил қўйган кишилар ҳамини олдириш олаверади. Чеварнинг иши эл кўзиде, унга баҳони эл қўяди, шунинг учун ўз касбига ихлос қўйиш, меҳнатсеварлик, ёшларга меҳрибонлик чеварга эъзоз ва ҳурмат келтирилади.

Мана у 1980 йилдан бери Тошкент шаҳар Советига депутат этиб сайланмоқда.

### УРТОҚ М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИГА ҚИЛАДИГАН РАСМИЙ ДУСТОНА ВИЗИТИ ТУҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев ПБП Марказий Комитети Биринчи секретари В. Ярузельский ва ПХР олий давлат маъмуруларининг таклифига биноан 1988 йил июль ойининг иккинчи ўн кунлигида расмий дустона визит билан Польша Халқ Республикасига борадилар.

«Узельхозтехника» базиси, «Ташгробузыремонт» каби корхоналарнинг раҳбарлари, партия, касба союз ва комсомол ташкилотлари меҳнат қилётган ветеранларга, оталикларидан иттифолларга етарли эътибор беришмапти.

Уй-жой шароитини яхшилаш, кватиргага телефон ўтказиш учун навабда турган уруш қатнашчиларининг сони суст қисқараяпти. Врачлар, поликлиникалар, дорихоналар ёмон ишлётганлиги, куз-қиш масудиде йўлар яхши иситилмаётганлиги, кватираларнинг сифатсиз ремонт қилинмаётганлиги ҳақида кўпга эътирозлар бор. Савдо ва умумий ошқоватланш корхоналари томонидан уруш қатнашчиларига хизмат кўрсатишдаги камчиликларга ҳамон барҳам берилган эмас.

Уруш ва меҳнат ветеранлари шаҳар Советининг ишида уруш ва меҳнат ветеранлари район Советлари билан, меҳнат коллективлари билан яқин ҳамкорлик кузатиляпти.

Мазкур масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Шаҳар партия комитети бюроси шаҳар партия ташкилотининг фаолиятига доир бошқа қатор масалаларни кўриб чиқди.

Оқиловалар хонадонин ҳақида ҳам икки оғиз сўз айтиш жуда ўринли бўлади.

Бу оилада эр-хотин Рафур Гулом айтганидан «Бирини бирга устоз, бирини бирга шогирд». Умр йўлоши, коммунист, Наримонов шаҳар Советининг депутаты Ҳусан Оқилов халқ хўрматига сазовор бўлган кишилардан, у 17 йил Рафур Гулом номи маҳалла комитетига раислик қилди. У бошланғич партия ташкилотларидан бирга 16 йил узлуксиз секретарлик қилди. Мана, В йилдан бери янги ташкил топан бошқармалардан бирга етакчилик қилмоқда.

Оилада беш фарзанд улғайди. Уларни ота-она оқ юнбоқ тарди. Катта қизлари Саноатхон Тошкент фармацевтика институтини битирган, ҳозир аптекада ишламоқда. Ўғиллари Фурад олий маълумотли инжениер, Сурат ТошДўни битирган, ҳозир мактабда ўқитувчи. Кенжа ўғил Ботиржон ўрта мактабни тугатиб, Совет Армиясиде ўз бурчини адо этипти. Кенжа қизлари Шаҳноза 8-синфда. Келинлари Шоҳидоҳон, Гулҳеҳроҳ ҳам олий маълумотли: бири врач-педиатр, бири мактабда ўқитувчи.

Гулсарахоннинг хонадониде доимо кулгу, дастурхониде иссиқ нон, юраклариде эса виждон. Қисқаси, хонадон энг бахтиёр!

Муҳиддин ЖАВБОР.

© СУРАТДА: Гулсара Оқилова.

Т. Каримов фотоси.



ТАСС ХАБАРЛАРИ ВА МАРКАЗИЙ МАТБУОТ САҲИФАЛАРИДАН

© АФИНА. Туркия баш икристи Тургут Озалнинг Греция пойтахтига визити туғди. Бу — Туркия ҳукуматини бошлиғининг кейинги 36 йил ичиде Грецияга қилган биринчи визити эди. Т. Озалнинг Греция баш икристи Андреас Папандреу билан учрашувлари чоғиде Эгей деңизининг соҳил бўйи сувларини чегаралаш масалалари ҳақида Кипр проблемаси муҳокама қилинди.

© ВАРШАВА. Идеология, фан ва маданият соҳасида Совет Польша ҳамкорлиги туғрисида бир йил муқаддам имзоланган декларациянинг дастлабки натижалари ҳақида ун рўбга чиқарил тажрибаси Белостокда бўлиб ўтган «Давра столи» конференциясида чуқур таҳлил этилди. Конференцияни бу ерда КПСС билан ПБП Марказий партия

органлари — «Правда» ва «Трибуна людю» газеталарининг редакциялари ташкил қилган эди. Конференцияда журналистлар, партия ходимлари ва илмий ходимлар, Гродно областининг ҳақида у билан фаол ҳамкорлик қилётган Белосток воёводаллигининг раҳбарлари қатнашдилар. Учрашувда СССР билан ПХР ўртасиде чегара бўйи ҳамкорлигини киклаа мамлакат ўртасиде бевосита баҳамжикват ҳаракатини самарали ва истиқболли формасини янада ривожлантириш масалалари, бу йўлда пайдо бўлаётган қийинчиликлар ҳам муҳокама қилинди. Мунозара қатнашчилари аввало саноат ва кишлққ хўжалик корхоналари, илмий марказлар, жамоат ташкилотлари ўртасидеги ҳамкорликни чуқурлаштиришга доир кик креат таклифларни ақдқдилар.

© ИСТАМБУЛ. Бу ерда, Ота-турк кимидеги маданият марказида 16-Истамбул санъат фестивали очилди. Фестивалнинг очилиш маросимиде Туркиянинг президент симфоник оркестри П. И. Чайковскийнинг «Ромео ва Жульетта» увертюра фантазиясини ижро этди.

### Хизмат бурчини ўтаётиб...

Кеча тонгта яқин номаълум киши «02» телефони орқали Тошкент автомобиль Ҳалқа йўлидаги ГАИнинг «Чимкент» стационар посты яқинида отишма бўлиб ўтганини хабар қилди. Тафсилотларга тўхтамай шун маълум қиламизки, чиндан ҳам отишма ГАИ ходимлари билан икки жиноятчи ўртасида бўлиб ўтган. Жиноятчилар Олмаотадан келган экан. Уларни қўлга олиш вақтида хизмат бурчини ўтаётган уч нафар милиция ходими ҳалок бўлди.

© Газетамизнинг эртаги шайба сониде биз ана шу воқеа ҳақида батафсил ҳикоя қиламиз.

## Янгилик қувончи

Тошкент чарм-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ҳўсрат Косимов бошлиқлик қилган 1-дехида хўжалик юритиш янги системасининг асфалликлари тез орадада халлаб олинди. Ишчиларга даставвал хўжалик юритишнинг шартнолари тушунтирилди. Тайёргарлик ишлари ҳал этилди. Февраль ойида ушбу цехнинг 3-бригадасида эксперимент тарзида хўжалик юритишнинг янги системасида олиб борилган иш натижаси муваффақиятли ақунланди.

Озода Дўстмухамедова етакчилик қилаётган биринчи бригадада ишчилари ҳам март ойидан тўла хўжалик ҳисобиде иш юритиб, ой охиригача 435 сўмлик фойда олишга эришдилар. Ўш систематга ўтилгач, бу бригадада маҳсулот ишлаб чиқариш плани 115 процентга бажарилди. Иш унуми ва

сифатини оширишда цехда рационализаторлик таклифларидан кенг фойдаланилди. Йил бошидан бўён 7 та ана шундай таклифнинг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши 8500 сўмлик иқтисодий фойда келтирди. Утган ойда бригадада пландаги 6100 дон маҳсулотга қўшимча равишда яна 400 та сўмка тайёрлади. Ишга онгли ёндошми ва вақтдан унумли фойдаланиш сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришнинг асосий шарти бўлиб қолмоқда. Бригадада сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришга чек қўйилмоқда. Утган ойда аттиги 14 сўмлик маҳсулот реализация қилинмади. Албатта, сифатсиз маҳсулот айбдорлари иш ҳақларидан бунни тўлашга мажбур бўлилар.

Жадаллаштириш энг аввало, техника тараққиёти орқали, янги техника ва технологияга ўтиш орқали ҳам амалга оширилади. Эс-

кирган дастгоҳларни такоромиллаштирилган ангилири билан алмаштириш ҳам сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш сари ташланган бўла билин дадил қадам бўла олади. Янгида бригадада 8 та янги машина ўрнатилди. Бу дастгоҳларда ишлаш қудай, ишчиларга энгиллик туғдиришда. Тикувчиларнинг яхши ишлашлари учун цехда шарт-шароит етарли. Бунга биз гувоҳ бўлдик.

Чилонзор, Қорақамиш масивлариде яшовчи ишчиларнинг ишга келиб кетишини таъминлайдиган махсус автобуслар ақратилган. Йил бошидан бўён цехдан 3 киши ГДР, Югославия ва Чехословакияда имтиёзли путёвка билан дам олиб қайтишди.

Шунга қарамай, ана шундай яхши шароитда тартиб ва интизомни бузиш ҳолларига ҳали тўла равишда барҳам берилгани йўқ. Сабаб-

сиз кеч қилишлар, смена нормасини бажармаслиқ ҳамон учраб туради. Албатта, бу ҳол шундай қолётгани йўқ. Ҳар пайшанба кун тартиббузарлар билан касабасоюз комитети аъзолари суҳбат ўтказишмоқда, зарур тадбирлар белгиланяпти. Тартиббузарлар сони кун сайин камайиб бормоқда.

Кўришиб турибдики, цехнинг олий сифатли маҳсулот тайёрлашга бежиз эмас. Иш курулининг созлиги ва энг асосийси, хўжалик юритишнинг янги системаси коллективда муваффақиятли жорий этилаётгани ва ишга онгли муносабатда бўлиш ютуқлар гарови бўляпти.

КПСС Марказий Комитетининг Тезисларида бу бирода илгари сурилган фикрлар илгор усулларини кенг ёйишга ихлос бахш этилти.

М. ХОЖИМЕТОВ,  
Х. САЙДОВ,

## Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюросида

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюросининг навабдаги мажлисида КПСС XXVII съезди қарорлари асосида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, кадрлар резервини шакллантириш борасидеги ўз фаолиятларини етарли даражада системали, КПСС Марказий Комитетининг январь (1987 йил) Пленуми қарорлари талаб қилганидек аниқ мақсадди кўзлаб, изчиллик билан олиб боришмапти.

Ҳали ҳам сайланмай, аксинча маъмурият ва юқори органлар томонидан тайинланган олий ва ўрта бўғин кадрларнинг улushi ҳамон салмоқлидир. Районнинг қурилиш, транспорт, соғлиқни сақлаш, савдо, умумий ошқоватланш каби тармоқларида кадрлар билан ишлашнинг демократик қурилишлари аслида жорий этилмапти.

Хотини-қизларни ва партия-изчилари раҳбарлик ишларига кўтаришга кам эътибор берилмоқда, миллий белгилар бўйича раҳбар кадрлар корпусини шакллантиришда номутаносибликларга йўл қўйилмоқда.

Раҳбарларнинг партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари ҳузурида ҳисоботларини ўтказишда ҳам сифат ўзгаришлари ҳали сезилмапти. Меҳ-

нат коллективларидаги қайта қуришнинг бориши учун раҳбар кадрлар масъулиятини оширишда районда олиб борилаётган коммунистлар аттестацияси имкониятларидан ҳамон тўла равишда фойдаланилмагани йўқ.

Район меҳнат коллективларида номзодларни очик кўрсатиш ва муҳокама этиш асосида таъсирчан кадрлар резервини шакллантиришнинг самарали системасини ташкил этиш ишлари етарли даражада олиб борилмапти. Айрим коллективларда кадрлар резерви ҳамон тор доирадаги кишилар томонидан тузилади, йилгишларда муҳокама этилмай, рўйхат бўйича тасдиқланади, бундай кадрлар аслида ўзини оқламапти.

Шаҳар партия комитети бюроси КПСС XXVII съезди қарорлари асосида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, кадрлар резервини тайёрлашда демократик асосларни ривожлантириш борасидеги Куй-бишев район партия комитетини шакллантиришда номутаносибликларга йўл қўйилмоқда.

Шаҳар партия комитети бюроси КПСС XXVII съезди қарорлари асосида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, кадрлар резервини тайёрлашда демократик асосларни ривожлантириш борасидеги Куй-бишев район партия комитетини шакллантиришда номутаносибликларга йўл қўйилмоқда.

Раҳбарларнинг партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари ҳузурида ҳисоботларини ўтказишда ҳам сифат ўзгаришлари ҳали сезилмапти. Меҳ-

нат коллективларидаги қайта қуришнинг бориши учун раҳбар кадрлар масъулиятини оширишда районда олиб борилаётган коммунистлар аттестацияси имкониятларидан ҳамон тўла равишда фойдаланилмагани йўқ.

Район меҳнат коллективларида номзодларни очик кўрсатиш ва муҳокама этиш асосида таъсирчан кадрлар резервини шакллантиришнинг самарали системасини ташкил этиш ишлари етарли даражада олиб борилмапти. Айрим коллективларда кадрлар резерви ҳамон тор доирадаги кишилар томонидан тузилади, йилгишларда муҳокама этилмай, рўйхат бўйича тасдиқланади, бундай кадрлар аслида ўзини оқламапти.

Шаҳар партия комитети бюроси КПСС XXVII съезди қарорлари асосида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, кадрлар резервини тайёрлашда демократик асосларни ривожлантириш борасидеги Куй-бишев район партия комитетини шакллантиришда номутаносибликларга йўл қўйилмоқда.

январь кўчасида бир уй ажратилиб, унга онилар кўчиб кирди. Медицина кўрсатмаларига мувофиқ муҳтож бўлган уруш ветеранларига бепул 177 та «Запорожец» маркали, 20 та «Москвич» маркали автомобил, 49 та мотокөжәва ажратилди.

2500 дан зиёд кватиргада телефон ўрнатилди. 6300 киши сенаторий-даволаш муассасаларига ва дам олиш уйларига путёвка олди. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари: госпиталининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш юзасидан чора-тадбирлар кўрилди. Қатор районларда чойхоналар, «Ветеран» комплекслари ва клублари ташкил этилди.

Шу билан бирга шаҳар партия комитети қарорини бажаришда жиддий етишмовчиликлар бор. Ҳали кўпгина уруш ветеранлари, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг онилари партия ва ҳукуматимиз қарорларида кўзда тутилган имтиёзлардан фойдалана олмаптилар. «Таштёпоссе»ти, 1-ўйсозлик комбинати, 2-ун заводи, 8-ой комбинати, «Уз-мясомолспецвавторанс» авто-



## 1988 йил 17 июнь










# Йўловчи дан... Эҳтиёт бўлинг

ёки йўл ҳаракати қоидаларини бузиш қандай оқибатларга олиб келаётгани хусусида

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТАЛАРИ РЕДАКЦИЯСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР АВТОМОБИЛЬ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШҚАРМАСИНИНГ ҚУШМА РЕЙДИ.



Ҳақимизни бошладан олдин рақамларга мурожаат қилмоқчимиз. Ўтган йил шаҳримизда йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмаганлиги учун 81 киши нобуд бўлди. 890 йўловчи эса қаттиқ жароҳат олди. Бу рақамлар шу йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида ҳам мутлақо камаймади. Йўловчиларнинг айби билан 314 марта йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлди. Ана шу фалокатлар оқибатида 21 киши ҳалок бўлди ва 304 киши қаттиқ жароҳатланди. 48 ҳолатда йўловчиларнинг спиртли ичимлик ичиб олганлиги, кайфи борлиги қайд этилди. Ўйлаб кўрсак, ана шу рақамлар остида қанчадан-қанча кишиларнинг тақдир, нисоний азоб-уқубатлари ётди...

Бугун биз рейдга чиқиб, афсуски ана шундай ҳодисаларнинг яна гувоҳи бўлдик. Йўл-транспорт ҳодисаларига қўпчи йўловчилар сабаб бўлиб қолишяпти. Бундан чиқди улар ҳали онгли равишда йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмайдилар, уни менсимайдилар ёки умуман тан олмишчи истамайдилар. Вақолатини, йўл ҳаракати қоидаларини ҳамма учун баробар. Эшик ҳатлаб кўчага чиқингизми, марказида унга риоя этинг. Ўрни келганда йўл ҳаракати қоидаларинидаги «Пидедалар ва пас» сажирларнинг умумий вазифаларига деган бандини эслатиб ўтмоқчимиз. Унда шундай дейилади: «Пидедалар тротуарлардан ёки пидедалар учун ажратилган йўллардан, жундай тротуар ва йўллардан йўл юзиде эса йўл четидан ёки велосипед йўлидан (велосипед ҳаракатига ҳақикат беришмайди бўлса) юришлари керак... Пидедалар йўл ости ўтиш жойларидан, пидедалар кўприкларидан, чизик билан ёки (пидедаларнинг ўтқиш жойи) 5.16.1 ва 5.16.2 белгилари билан кўрсатилган жойларидан ўтишлари лозим» ва ҳоказо.

Афсуски, бунга қамдан-қам одам риоя этди. Кўчаларимизда ҳали тартиб йўқ. Баъзан қараб туриб кичиб кетсан. Тўппа-тўзуқ кийинган, ўқинган одам кўчанинг ўртасидан, белгиланмаган жойидан кесиб ўтади. Гоҳида унинг олдида ўйилчиси ёки қизчаси ҳам бўлади. «Кўш уясида кўрганни қилади» деганларидек, боласи отасидан ўтиб қайқа ҳам борарди. Кейин, мисолларга мурожаат этайлик.

— Уйилларингизга ёмон ўрнатилган кўрсаткичлар. Ахир бу ердан ўтиш ман этилган.

— Э, болаларим, ахир бу ердан йигирма йилдан бери ўтман. Ҳеч қим «ғинг» демайди. Ҳатто эшик-яшик лимонадларни кўтариб ўтганман...

— Яхшиям, ҳайдовчилар анча интизомли. Бўлмаса, ҳай-

тигиз ҳавф остида қолар эди. Халқимизда «Кўза кўнда эмас, кунда синади» деган мақол бор. Одам ўз ҳаётини ва бошқаларнинг ҳаётини ҳам ўйлаши керак...

Агар фалокат юз берса фалокат Охида опа эмас, балки ҳайдовчи ҳам жабрдида бўлади. Бунга ҳар бир йўловчи унутмаслиги керак.

Опадан ўрнатилган Хоразм бўғати Богот районидида ЖДанов номи колхоздан келган Х. Худаконни тўқиз ёшли ўғли Мансурбек билан чопиб бораётганда тўхтатди.

— Мен қонун-қондан қайда билар. Қишлоқдан келган бўлсам. Бизнинг кўчаларда бунақа гаплар йўқ. Хоҳлаган жойдан кесиб ўтаверамиз...

Бу жавобдан ҳам кулсан, ҳам кулсан. Наҳотки, йўловчиларимизнинг онги шу даражада паст бўлса. Ахир транспорт қатнови эли бўлган кўчанинг қўқ ўртасидан кесиб ўтиш инсон ҳаёти учун ҳавфли эканлигини, кенчарислар кўп бўлса ҳам айтилиб, сўқир киши ҳам билади-ку! Ҳали жойларда «Йўл ҳаракати қоидалари» мукамал ўрганилмаётганлигидан ана шу биргина мисол ҳам даволат берида.


Шота Руставели кўчасидан чапга — Тошкент тўқимачилик комбинатига кириб борилади. Ана шу чорражада бироз кузатиш ўтказдик. Пидедалар томонидан йўл ҳаракати қоидалари шу даражада бузилаётки, кўриб сочингиз тиниб бўлади. Қондан бузётганларнинг ҳаммаси кечки олий ўқув юртида ўқийдиган студент-йўшлар, олий маълумотга эга одамлар, уларни тўхтатиб сўрасангиз турли баҳоналарни рўқаб қилишади. «Ишга кечик-кечиксангиз йўлга сал вақтинчор қилинг. Аскаганиз кетмайди-ку!»

Йўловчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмасликлари тўғрисида бахтсиз ҳо-дир кетма-кет учраб турибди. 19 март кунини Хўжаев кўчасида ҳайдовчи Д. Шарипов бошқариб бораётган 09-75ТН номерли «ЗИЛ-130» маркали машина Куйбишев районидидаги 270-мактаб ўқувчиси Андрей Болдиннинг уриб кетди. Йўловчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузганлиги тўғрисида ахир ҳақимизга қўйилган рақамлардан қайси жавобда кўрсатилган?

Мен Тошкент шаҳар Ҳамза район, Мўйноқ кўчасидаги 161-уйда тураман. Бизнинг Оқ уй бекатида светофор бор. Лекин у бир нисабда тез ёниб, тез ўчадики, ҳаттоки, йўловчилар кўчани кесиб ўтишга улгуринмайди. Бир неча марта бахтсиз ҳодисалар бўлди.

Хўрматли редакция. Илтимос, светофор ҳаракати тўғрисида солиб берилса, нур устига нур бўларди.

Б. АРСЛОНОВА, кўп болади она.



1. А ва Б  
2. Фақат Г  
3. Б ва Г  
4. В ва Г  
5. Б, В ва Г

моқда. Бироқ, улар ҳозирча қондбузарларни «ксийлаб» келмоқдалар. Эндилликда бу қаттиқ назоратга олинади. Корхона, ташкилотларнинг раҳбарлари энди ортиқ «сукута» сакламайдилар.

Ҳозирда йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик тўғрисида янги Фармон тайёрланмоқда. Унда қатор янгиликларни жорий этиш кўзда тутилган. Шу жумладан, ҳайдовчиларнинг ҳайдовчилик гувоҳномасига қўшимча равишда бериладиган талон бекор қилинади. Шунингдек, йўловчилар томонидан қандайдир ҳақдорлар, уларни қаттиқроқ жазолаш чоралари ҳам белгиланмоқда. Шундай қилинмаса бўлмайди. Йўловчилар ҳақдордан ошиб кетдилар. Йўловчи машинадан кўришчи кераки. Бу гап йўловчиларнинг гапи. Лекин қонун-қонда ҳамма учун баравар. Унга риоя этиш ҳар бир кишининг бурчи. Бунини унутманг, ҳўрматли йўловчилар!

А. УМАРОВ, Тошкент шаҳар Давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси ағтика ва пропаганда бўлими бошлиғи, милиция капитани.

И. РАХИМОВ, ГАИ инспектори, милиция капитани.

Т. ТОВЕВ, «Тошкент оқшоми» газетасининг махсус муҳбири.

СУРАТЛАР: Тошкент куранти олдидида Пролетар кўчаси шаҳримизнинг эр сержантоси кўчаларидан бири. Йўловчиларнинг қаранг, транспорт оқимини кесиб ўтишмоқда. ГАИ инспектори эса бепарво, унинг ҳаёли бошқа ёқда: йўловчи К. Худакон ўғли Мансурбекка тўқимачилик лозимлиги йўл ҳаракати қоидаларини бузди. Энди жарима тўлашдан бошқа иложи йўқ; йўл қондасини ўрганиш бўйича амалий машғулот.

М. Назаров ва У. Шарипов фотолари.

«АНТИҚА» СВЕТОФОР

Мен Тошкент шаҳар Ҳамза район, Мўйноқ кўчасидаги 161-уйда тураман. Бизнинг Оқ уй бекатида светофор бор. Лекин у бир нисабда тез ёниб, тез ўчадики, ҳаттоки, йўловчилар кўчани кесиб ўтишга улгуринмайди. Бир неча марта бахтсиз ҳодисалар бўлди.

Хўрматли редакция. Илтимос, светофор ҳаракати тўғрисида солиб берилса, нур устига нур бўларди.

Б. АРСЛОНОВА, кўп болади она.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА САТИРА ТЕАТРИ  
20 ИЮНЬ СОАТ 19.30 да

ПРЕМЬЕРА

ТўЛҚИН МУҲИДДИН асарин.

## «АДАШГАНЛАР»

(Олти кўринишли драма)  
Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист ЛУТФУЛЛА САЪДУЛЛАЕВ.  
Рассом — ШОКИР УРМОНОВ.  
Режиссёр ассистентлари — Тolib ҚОЖИЕВ, Баҳодир МУРОДОВ.

Театрнинг бош режиссёри — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист БАХТИЕР ИХТИЕРОВ.  
Спектакль Тошкент Рус ёш томошабинлар театри биносида кўрсатилади.  
Адрес: Навоий кўчаси, 56-уй, Шоирлар хиббони (метронинг «Пахтакор» станцияси).

## Макулатура топширувчи гражданилар диққатига!

АБОНЕМЕНТЛАР БЕРИЛАДИГАН КУНЛАРИ  
ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИДА  
(6, 11, 15, 18, 19, 20, 25, 29, 33, 43, 48, 49, 57, 60, 72 ва 79-қабул пунктларидан ташқари)

2 томлик «ПУШКИННИНГ ҲАЙТИ» китобига абонементлар тарқатилади.  
ҲАР ҚАЙСИ ҚАБУЛ ПУНКТИДА:  
17 июнда 50 тадан абонемент;  
18 ва 19 июнда 100 тадан абонемент тарқатилади.

И. Лазутиннинг «МИЛИЦИЯ СЕРЖАНТИ» китобига: 25 ва 26 июнда ҳамма қабул пункт-магазинларида 150 тадан абонемент тарқатилади.  
«Пушкиннинг Ҳайти» китобига абонементлар фақат бир вақтингиз ўзида қандайдир 20 килограмм макулатура топширилгандан кейингина берилади.

Абонемент 40 килограмм макулатура топширилгандан кейин унда кўрсатилган 2 томлик китобни сотиб олиш ҳуқуқини берида.

И. Лазутиннинг «Милиция сержанти» китобига абонементлар фақат бир вақтингиз ўзида 10 килограмм макулатура топширилгандан кейин берилади.

Абонемент 20 килограмм макулатура топширилгандан кейин унда кўрсатилган китобни сотиб олиш ҳуқуқини берида.

Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларига навабдан ташқари хизмат кўрсатилади.  
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 1981 йил 4 июндаги 354-Р сон қўрсатмасига биноан Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларига ҳар қайси қабул пунктда тарқатиладиган абонементлар умумий ҳажмининг 20 проценти ҳажмида абонементлар бериш нормаси белгиланган.

Справалар учун телефон: 48-04-93.  
ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЙЕР-ЛОВ КОРХОНАСИ.

## «ЗУМРАД»НИНГ ЕТТИ РАНГИ

17, 20 июнь кунлари  
«Ташкулторг»нинг  
11-магазинида

«Изуруд Ц-275» рангли телевизорларининг

## САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

«Изуруд Ц-275» тасвирининг аниқлиги, бўёқларининг ёриллиги, сенсорни программа танлашнинг, замонавий ташқи кўриниш тўғрисида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган энг яхши телевизорлар қаторидан ўрин олган.

Телевизорнинг баҳоси — 720 сўм.  
Савдо-кўргазма ўтаётган кунларда сиз ана шу телевизорларни ишлаб чиқарувчи «Электронсигнал» (Новосибирск шаҳри) заводи вакиллари билан учрашишнинг мумкин.

Магазин адреси: Миродиҳов кўчаси, 1-уй.  
Иш вақти соат 10 дан 20 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача.

Транспорт: 1, 2, 5, 10, 26-трамвайлар, 22, 25, 45, 55-автобусларнинг «Сариқўл» бекати.

«Ташкулторг»

«Союзторгсина» Бутуниттифоқ бирлашмасининг

Ўзбекистон агентлиги.

## 24-УРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

УРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР ГРУППАСИГА:

Ўзбек тилида ўқиш учун: ошпаз, саноат моллари сотувчиси, озиқ-овқат моллари сотувчиси. Ўқиш муддати — 1 йил.

Мева-сабзавот маҳсулотлари сотувчиси. Ўқиш муддати — 8 ой.

Рус тилида ўқиш учун: «ИНТУРИСТ» ошпази (миллий ва чет эл таомларини тайёрлаш ўргатилади), официант (чет тили ўқитилади). Ўқиш муддати — 2 йил.

## 8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАР ГРУППАСИГА:

Ўзбек тилида ўқиш учун: ошпаз, қандолатчи, саноат моллари сотувчиси, озиқ-овқат моллари сотувчиси. Ўқиш муддати — 3 йил.

Рус тилида ўқиш учун: ошпаз, қандолатчи, саноат моллари сотувчиси. Ўқиш муддати — 3 йил.

24-урта хунар-техника билим юрти Ўзбекистон ССР Савдо-миллистрия, СССР Чет эл туризми давлат комитети, Ўзбекистон ССР Аграрсаноат давлат комитети ва Чкалов номи авиация бирлашмасининг умумий овқатланиш ва савдо корхоналарида, кафе, ресторон ва ошхоналарда ишлаш учун мутахассислар тайёрлайди.

Билим юртига 8-10 синф ҳажмида маълумотли, 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган қизлар қабул қилинади.

8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирган ўқувчилар бепул овқат, кийим-кечак билан таъминланадилар, ўрта маълумот билан ўқишга кирган ўқувчилар эса 30 сўм ҳажмида стипендия оладилар. Уларга ишлаб чиқариш практикаси даврида меҳнат ҳақининг 50 проценти тўланади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртига ўрта маълумот билан кириб ўқишни битирганлар ихтисоси бўйича диплом, 8-синф ҳажмида маълумот билан кириб ўқишни битирганлар эса ағгаллаган ихтисоси ва ўрта маълумот ҳақида диплом оладилар.

Билим юртига «аъло» баҳо билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртиларига киришда имтиёзларга эга бўладилар.

Билим юртида бадий ҳаваскорлик ва спорт секциялари мавжуд.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома (ёки паспорт), иш жойидан ёки мактабдан характеристика, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 086/У формадаги медицина справкиси, 3х4 см. ҳажмдаги 6 донга фотосурат, таржиман ҳол.

Билим юрти адреси: 700114, Тошкент шаҳри, Киров райони, Юнусобод массиви, 18-квартал, 24-урта хунар-техника билим юрти (9, 167-автобусларнинг «27-мактаб»); 679, 8-автобусларнинг «17-квартал»; 112-скорий автобусининг «Гвардейская кўчаси»; 83-автобусининг «18-квартал» ва 609, 82-автобусларнинг «122-мактаб» бекатлари).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАР-ДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/VI да «Отасининг қизин» (19.00), 18/VI да «Майсаранинг ишин» (18.00).

18 ИЮНЬ  
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:  
Чайка — «ТУН СЎНГИДА» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00)  
Восток — «53 ЙИЛНИНГ СО-ВУҚ ЭЗИ» (жуфт соатларда)  
Москва — «53 ЙИЛНИНГ СО-ВУҚ ЭЗИ» (тоқ соатларда ва 20.40 да)  
Нукус — «53 ЙИЛНИНГ СО-ВУҚ ЭЗИ» (жуфт соатларда)  
ВЛКСМ 30 йиллиги — «53 ЙИЛНИНГ СОВУҚ ЭЗИ» (жуфт соатларда)  
Ўз ССР 25 йиллиги — «ҚИСКА ТУТАШУВ» (тоқ соатларда)  
Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ДҲСТ» (жуфт соатларда ва 21.45)  
Санаёт саройи — «ТУН СЎН-ГИДА» (12, 15, 18, 21.00). «ШАХ-РИЗОДАНИНГ ЯНГИ ЭРТАКЛА-РИ» (11, 14, 17, 20.00).

19 ИЮНЬ  
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:  
Чайка — «ТУН СЎНГИДА» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00)  
Восток — «53 ЙИЛНИНГ СО-ВУҚ ЭЗИ» (тоқ соатларда)  
Нукус — «53 ЙИЛНИНГ СО-ВУҚ ЭЗИ» (тоқ соатларда)  
ВЛКСМ 30 йиллиги — «53 ЙИЛНИНГ СОВУҚ ЭЗИ» (жуфт соатларда)  
Ўз ССР 25 йиллиги — «ҚИСКА ТУТАШУВ» (тоқ соатларда)  
Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ДҲСТ» (жуфт соатларда ва 21.45)  
Санаёт саройи — «ТУН СЎН-ГИДА» (12, 15, 18, 21.00). «ШАХ-РИЗОДАНИНГ ЯНГИ ЭРТАКЛА-РИ» (11, 14, 17, 20.00).

АВТОМАТ-ЖАВОБ БЕРУВЧИ ТЕЛЕФОНЛАР:  
Санаёт саройи — 44-21-44, 44-21-34, 44-21-74.  
Чайка — 77-06-20.  
Тошкент Советининг 50 йиллиги — 78-47-25.  
Қозоникон — 35-24-92.  
Ватан — 74-30-38.  
Восток — 92-41-61.  
Дружба — 67-96-87.  
Москва — 68-68-81.

Шаҳар кинотеатрларида хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилашга оид тақлиф ва ис-таклар билан Кинолашти-риш бошқармасига 33-37-11 телефон билан мурожаат қилинсин. Репертуардаги ўз-ғаришлар тўғрисида кинотеатр-лардан тўлиқ маълумот оли-шингиз мумкин.

Ю. А. ГАГАРИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКУМИ автоматлар ва автоматик бошқариш асослари, про-граммларнинг бошқариладиган станокларнинг олдинги асбоб-ускуналарини ихтисос бўйича ўҚИТУВЧИЛАР ВАКАНТ

ВАЗИФАЛАРИГА КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Конкурс муддати — Ўзлон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: 700006, Тошкент шаҳри, Куйбишев кўчаси, 12-уй.

Тошкент шаҳар, Калинин районидида 8-урта мактаб томонидан

Курбон Тўқин СОБИРОВИЧ номига берилган 345034 но-мерли йўқолган

УРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент область, Калинин районидида В. И. Ленин номи 28-урта мактаб то-монидан

Ибрагимов Нафиса АБДУЛЛАЕВНА номига берилган 148668 но-мерли йўқолган

УРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Самарқанд область, Пах-тачи районидида 35-урта мактаб томонидан

Тўхтаева Шоира НОРҚОБУЛОВА номига берилган 384653 но-мерли йўқолган

УРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент политехника институтининг ректорати ва жамоатчилиги «Назарий ва умумий электротехника» кафедрасининг доценти Э. Курбонова онаси

Мусалом НАЗАРОВАНИНГ вафот этганлиги мусобаба-ти билан чуқур тевзия из-хор қилади.

## Навбатдаги топшириқ

Авалли «Магистраль» подборакида «Йўл ҳаракати қонда-лари» билимдонларига учинчи топширини тавсия этган эдик. «Қайси жавобда ҳаранат рўқсат этилган барча транспортлар «ўрсатилган» деган саволимизга бир қатор оқшомхоналар, шу жумладан Авазовлар оиласи, Э. Жумабоев, Ю. Эшбоев, Юсу-повлар оиласи тўғри жавоб беришган. Оқшомхоналар М. Ҳи-каева, Б. Нурматов, М. Азимова, Э. Фозиев, Н. Раҳимбеков, А. Яўлбарсовлар нотўғри жавоб беришган.

Бугун «Йўл ҳаракати қондалари» билимдонлари эътиборига тўртинчи топширини ҳавола этмоқдамиз. Жавобларингизни кўтаминиз.

## Футбол байрамидаги безорилик

БОНН. Ғарбий Германия-нинг Дюссельдорф шаҳрида жума кунини ГФР ва Италия терма командаларининг учра-шуви билан Европа футбол чемпионати бошланди. Бироқ бу спорт байрамидида кў-нончи вазиетини безорила-рининг ҳатти-ҳаракатлари хира қилди. Ҳадидан ошиб кет-ган баъзи футбол иштибо-з-ларини тинчлантириш учун полициячиларнинг аралаш-и-шига тўғри келди, полиция-чиларнинг кучайтирилган бўлишлари ҳам спорт май-донидида, ҳам футбол стадио-нини атрофида навбатчилик қилаётган эди.

Полиция жамоатчиликлка қарши ҳатти-ҳаракатлари учун 4 та томошабинни қа-моққа олишга ва 81 томоша-бинни стадиондан чиқариб ю-боришга мажбур бўлди.

Полиция мажбуриятини вакили Вольфганг Родас-нинг маълум қилишича, фут-бол матчи вақтида стадион территориясида италиянинг ҳаёминга тушган янглиғ-гавжидида қанчадан-қанча кишиларнинг ҳаётига таҳ-дир бўлган. Бундан ташқари Ғарбий

Германиялик икки томоша-бин ушланган: улардан би-рининг ёнidan совуқ қурол ва наркотик топишган, иккин-чиси эса полиция офицери-га ташланган. Футбол матчи-га 60 та сохта билет сотишга уринган Италия граждани ҳам қўлга туширилган. Дюссельдорф марказида,

жамоат жойларида шовқин-сурон кўтариб, тартибсиз